



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ

2020 йил “26” октябрь № 561

Тошкент ш.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида кадрлар билан ишлаш тартибини такомиллаштиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**

Сўнгги йилларда олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида кадрларни танлаш ва ишга қабул қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори қабул қилиниб, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида кадрларни танлаш ва ишга қабул қилишнинг янги тартиблари жорий этилди.

Олий таълим муассасалари проректорлари, филиаллар директорлари, факультет деканлари, ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш **тартиби муайян даражада соддалаштирилди**.

Шу билан бир қаторда бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ўзгаришлардан келиб чиқиб, олий ва ўрта махсус, профессионал таълим тизимида ходимлар зиммасидаги вазифа ва функцияларни бажарилишида юзага келиши мумкин бўлган **коррупцияга оид хавф-хатарларни олдини олиш** ҳамда бу борада самарали ва шаффоф механизмларни жорий этиш мақсадида

### Б У Ю Р А М А Н:

1. Қуйидагилар:

а) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимида номенклатурага кирувчи лавозимларга ходимларни ишга қабул қилиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш тартиби тўғрисидаги **низомнинг янги таҳрири 1-иловага мувофик**;

б) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага кируди лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссиянинг **янги таркиби** 2-иловага мувофиқ;

в) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага кируди лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссия **иш регламенти** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Кўйидагилар Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимида лавозимларга кадрларни танлаш бўйича **комиссиянинг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги марказий аппарати ва тизимида мавжуд вакант лавозимларга тавсия этилган **номзодларни белгиланган тартибда текшириш, уларнинг ҳужжатларини ўрганиш;**

вакант лавозимларга тавсия этилган номзодлар билан сұхбатлар ўтказиш, номзоднинг тавсия этилаётган лавозимда ишлашга тайёргарлиги, **билими ва малакаси, касбий лаёқати ва қобилиятини аниқлаш;**

номзодларни тегишли лавозимларга тавсия этиш ёки этмаслик бўйича **хулосалар қабул қилиш**, зарур ҳолларда номзодлар ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, уларнинг билими ва малакасидан келиб чиқиб, бошка лавозимларга тавсия этиш;

раҳбар лавозимлар бўйича шакллантирилган захира кадрлар таркибини кўриб чиқиш, зарур ҳолларда таклифлар тайёрлаш.

### **3. Белгилаб қўйилсинки:**

а) вазирлик тизимидағи олий таълим муассасаларининг филиаллари директорлари, проректорлари (филиал директори ўринбосарлари), олий таълим муассасалари хузуридаги техникумлар директорлари лавозимларига **камидада уч нафардан** номзодлар олий таълим муассасалари **ректорлари томонидан** тавсия этилади;

б) касб-хунар мактаблари директорлари лавозимларига **камидада уч нафардан** номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари **бошликлари томонидан** номзодлар тавсия этилади.

4. Вазирлик тизимидағи **олий таълим муассасалари ректорлари** ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий **бошқармалари бошликлари** ҳар бир лавозимга янгича фикрлайдиган, масъулиятли,

ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, **коррупцияга қарши муросасиз кураша оладиган**, юқори малака ва тажрибага эга бўлган, шунингдек, мазкур лавозимларга захирага олинган **кадрлар таркибидан муносиб номзодларнинг** тавсия этилишига алоҳида эътибор қаратсин.

5. **Ташкилий-кадрлар бошқармаси (Б.Қодиров)** Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссия ишини самарали ташкил этиш бўйича зарур чораларни кўрсинг.

6. Вазирликнинг 2019 йил 24 августдаги «Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимида кадрларни танлаш ва ишга қабул килиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 761-сонли буйруги ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

7. Ушбу буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазир



И.Маджидов



Вазирликнинг 2020 йил «26» 10 даги  
61-сонли буйруғига 1-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимдаги номенклатурага  
кирувчи лавозимларга ходимларни ишга қабул қилиш, уларнинг  
фаолиятини баҳолаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва  
лавозимдан озод қилиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда «Вазирлик» деб юритилади) марказий аппарати ва тизимдаги Вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимларга ходимларни ишга қабул қилиш, уларнинг фаолиятини баҳолаш, бошқа лавозимга ўтказиш ва лавозимдан озод қилиш тартибини белгилайди.

Вазирлик номенклатурасига кирувчи лавозимлар тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим тизимиға бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори ҳамда бошқа тегишли қонун ҳужжатларда назарда тутилган.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири (кейинги ўринларда «Вазир» деб юритилади) ҳамда ходимлар ўртасидаги меҳнат муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси ва бошқа меҳнатга оид қонун ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

3. Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи вакант лавозимларга тегишли йўналишлар бўйича олий маълумотли (зарур ҳолларда илмий даража ёки унвонга эга) ходимлар ишга қабул қилинади.

4. Мазкур Низом қўйидагилар учун татбиқ этилмайди:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасига кирувчи лавозимлар;

б) қонунчиликда ишга қабул қилишнинг алоҳида тартиби назарда тутилган лавозимлар;

в) Вазирлик марказий аппаратининг техник ва хизмат кўрсатувчи лавозимлар.

**II. Вазирлик марказий аппаратидаги вакант лавозимларга эълон бериш,  
номзод (талабгор)лар ҳужжатларини шакллантириш**

5. Вазирлик марказий аппаратининг вакант лавозимлари ҳақидаги эълонлар Вазирлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлигининг тегишли расмий веб-сайтларида ҳар ойнинг 5 санасидан кечиктирмай бериб борилади.

6. Вакант лавозим бўйича “Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификатори” ҳамда белгиланган малака талабларига жавоб берадиган номзод (талабгор)лар Вазирлик Ташкилий-кадрлар бошқармасига тўғридан-тўғри ёки электрон (электрон почта манзили: [kadr@edu.uz](mailto:kadr@edu.uz)) тарзда мурожаат қиласидилар ва ўзлари ҳақидаги маълумотнома-объективка, олий маълумот, илмий даража ва унвон ҳақидаги хужжат ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар нусхаларини тақдим этадилар.

Шунингдек, номзод (талабгор)лар Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳудудий органлари орқали белгиланган тартибда йўлланма билан мурожаат қиласидилар.

Мурожаатлар Ташкилий-кадрлар бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатга олинади. Йўлланма билан ёки тўғридан тўғри мурожаат қилган шахсларга ишга қабул қилиниши мумкинлиги ёки қабул қиласлик асослари ҳақида ўрнатилган тартибда маълумот берилади.

7. Ташкилий-кадрлар бошқармаси томонидан вакант лавозимлар учун номзодлар захира кадрлар, олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилари ва ишчи-ходимлари ёки бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган малакали ходимлар таркибидан шакллантирилиши мумкин.

8. Ҳар йили Вазирлик тизимидағи раҳбар ходимлар лавозимлари учун захира кадрлар таркиби шакллантирилади. Номзодлар раҳбарлар томонидан сұхбатлашиш натижаси ва эришган ютуклари инобатга олинган ҳолда захира кадрлар рўйхатига киритилади.

Захира кадрлар таркибидан шакллантирилган рўйхат асосида тегишли йўналишлар бўйича Вазирлик хузуридаги Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази ҳамда Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтида мақсадли ўқитиш курслари ташкил этилади.

### **III. Вазирлик тизимидағи ташкилотлар, ҳудудий бошқармалар, олий таълим муассасалари, академик лицей, профессионал таълим, илмий-тадқиқот ва малака ошириш муассасалари раҳбарларини лавозимга тавсия этиш ва тайинлаш**

9. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасасининг ректори Вазир тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

10. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасасининг проректорлари (филиал директори ва унинг ўринбосарлари) олий таълим муассасаси ректорининг тавсиясига кўра Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

11. Вазирлик томонидан ёшлар билан ишлаш бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимиға номзод Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор (филиал директори ўринбосари) лавозимиға номзод эса Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилади.

12. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасалари хузуридаги илмий-тадқиқот муассасалари, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари раҳбарлари, академик лицейлар директорлари Вазирлик билан келишилган ҳолда олий таълим муассасасининг ректори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

13. Вазирликнинг Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш худудий бошқармалари (кейинги ўринларда «Худудий бошқармалар» деб аталади) бошликлари, шунингдек Вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ва муассасалар раҳбарлари Вазир томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

14. Вазирлик тизимидағи профессионал таълим муассасалари директорлари Вазир томонидан, профессионал таълим муассасалари директорининг ўринбосарлари Вазирлик билан келишилган ҳолда профессионал таълим муассасалари директори томонидан, шунингдек академик лицей директори ўринбосарлари олий таълим муассасаси ректори билан келишилган ҳолда академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Вазирлик тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга малака талабларига мувофиқ одатда камида уч нафардан янгича ва мустакил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илғор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол, юкори малака ва тажрибага эга бўлган муносиб номзодлар ҳақидаги хужжатлар Вазирлик раҳбарияти номига ташкилот, муассаса раҳбарининг йўлланма хати орқали Ташкилий-кадрлар бошқармасига тақдим этилади.

#### **IV. Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи лавозимларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш**

16. Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи лавозимларга ходимлар шахсий ва касбий сифатлар, очиклик, шаффоффлик, адолатлилик ва холислик принциплари асосида саралаш орқали ишга қабул қилинадилар.

17. Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи лавозимларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқиш, сұхбат ўтказиш ва хulosалар бериш бўйича раҳбар ходимлардан иборат Вазирлик тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) ташкил этилади.

18. Комиссия фаолиятини ташкил этиш унинг иш регламентига мувофиқ амалга оширилади. Комиссиянинг ишчи органи Вазирликнинг Ташкилий-кадрлар бошқармаси ҳисобланади.

### 19. Комиссия:

Вазирлик марказий аппарати ва тизимида мавжуд вакант лавозимларга тавсия этилган номзодларни белгиланган тартибда текшириш, уларнинг хужжатларини ўрганиш;

вакант лавозимларга тавсия этилган номзодлар билан сұхбатлар ўтказиш, номзоднинг тавсия этилаётган лавозимда ишлашга тайёргарлиги, билими ва малакаси, касбий лаёқати ва қобилиятини аниклаш;

номзодларни тегишли лавозимларга тавсия этиш ёки этмаслик бўйича хulosалар қабул қилиш, зарур ҳолларда номзодлар ҳақида қўшимча маълумотлар олиш, уларнинг билими ва малакасидан келиб чиқиб, бошка лавозимларга тавсия этиш;

раҳбар лавозимлар бўйича шакллантирилган захира кадрлар таркибини кўриб чиқиш, зарур ҳолларда таклифлар тайёрлаш.

20. Ташкилий-кадрлар бошқармаси томонидан вакант лавозимлар учун номзодлар рўйхати, маълумотнома-объективкаси тайёрланади ва Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

21. Комиссия томонидан номзодлар билан сұхбат жараёни савол-жавоблар асосида шаффоф, очиклик ва ошкоралик принципи асосида (зарур ҳолларда масофавий шаклда) ўтказилади ва баён билан расмийлаштирилади. Зарур ҳолларда сұхбат жараёни видеотасмага ёзиб олиниши ёки интернет тармоғи орқали онлайн трансляция қилиши мумкин.

22. Сұхбат давомида номзодларнинг билим, малака ва кўнилмалари, фикрини баён этиши, соҳага доир норматив-хукуқий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини, муаммоларни билиш даражаси, таклиф этилаётган лавозим вазифаларини бажара олиш қобилияти каби жиҳатларига аҳамият берилади ҳамда сұхбат натижалари мезонлар асосида баҳоланади ва тегишли хulosалар қабул қилинади ҳамда тавсия этилади.

23. Вазирлик марказий аппаратининг хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимларга ишга қабул қилинаётган ходим билан Ишлар бошқармаси, Касаба уюшмаси, Ташкилий-кадрлар бошқармаси, Юридик бўлим вакиллари сұхбат ўтказади, унинг хужжатларини кўриб чиқади ва натижалари бўйича раҳбариётга таклиф киритилади.

24. Номзодларни кўриб чиқишида ва тавсия этишда манфаатлар тўқнашуви вақтида ҳаракат қилиш қоидалари (тартиби)га қатъий амал қилинади.

## **V. Ишга қабул қилиш ва бошқа меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш**

25. Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи вакант лавозимларга номзодларни тавсия этиш ҳақидаги Комиссиянинг хulosасига (хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар лавозимлари учун тегишли бўлинмалар таклифига) кўра уларнинг ёзма аризаларига биноан Вазир ва ходим ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилинадилар.

26. Меҳнат шартномаси ёзма равишда икки нусхада тузилади ва томонлар ўртасида имзоланади. Бир нусхаси ходимга тақдим этилади ҳамда иккинчи нусхаси эса Ташкилий-кадрлар бошқармасида (марказий аппарат ходимларининг меҳнат шартномалари уларнинг шахсий жилдида) сакланади.

27. Вазирлик марказий аппаратига ишга қабул қилишда ишга кираётган шахс Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 80-моддасига мувофиқ қуидаги хужжатларни тақдим этади:

паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа хужжатни;

меҳнат дафтарчасини, биринчи маротаба ишга кираётган шахслар бундан мустасно. Ўриндошлиқ асосида ишга кираётган шахслар меҳнат дафтарчаси ўрнига асосий иш жойидан олган маълумотномани;

ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақириувчилар ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлик ҳақидаги гувоҳномани;

олий ёки ўрта маҳсус, профессионал (касб-хунар) таълим муассасасини тамомлаганлиги тўғрисидаги дипломни (талаб этилган тақдирда) ёхуд мазкур ишни бажариш хуқуқини берадиган гувоҳномани ёки бошқа тегишли хужжатни (мавжуд бўлса) тақдим этади.

28. Вазирлик тизимидағи ташкилотлар, ҳудудий бошқармалар, олий таълим муассасалари, профессионал таълим муассасалари раҳбарларини ишга қабул қилишда топширилиши зарур бўлган хужжатларини белгиланган тартибда ўзлари фаолият юритадиган ташкилот ва муассасага тақдим этадилар ҳамда уларнинг ҳисоби ушбу ташкилот ва муассасадаги кадрлар бўлинмалари томонидан юритилади ва расмийлаштирилади. Шу жумладан, меҳнат дафтарчалари, шахсий йигма жилди ва бошқа хужжатлари ўзлари фаолият юритаётган ташкилот ва муассасада сакланади.

29. Ишга қабул қилиш вақтида ишга кираётган шахсдан қонун хужжатларида кўрсатилмаган хужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

Агар ишга кираётган шахснинг мазкур Низомнинг 27-бандида назарда тутилган ва бошқа хужжатлари ҳақиқий бўлмаса, уни ишга қабул қилиш рад этилиши мумкин.

30. Ишга қабул қилиш ҳақида Вазирнинг буйруғи қабул қилинади. Буйруқ чиқариш учун Вазир билан ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси асос бўлади.

Вазирлик марказий аппарати ходимини Ташкилий-кадрлар бошқармаси ҳамда тизимдаги бошқа раҳбар ходимларни эса ташкилот ва муассасанинг кадрлар хизмати буйруқ билан танишириди.

31. Вазирлик марказий аппаратига ишга қабул қилинган ходимга Ташкилий-кадрлар бошқармаси ҳамда тизимдаги бошқа раҳбар ходимларга эса ташкилот ва муассасанинг кадрлар хизмати томонидан Одоб-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши курашиш ва бошқа фаолиятга доир хужжатлар таниширилади.

32. Вазирлик тизимидағи олий таълим муассасалари проректорларига ва олий таълим муассасаси ҳузуридаги техникум директорларига олий таълим муассасаси ректори, филиал директори ўринбосарларига филиал директори, касб-хунар мактаблари директорларига худудий бошқарма бошликлари томонидан меҳнат таътиллари уларнинг олий таълим муассасаси ва худудий бошқарма раҳбарлари номига берган аризаларига кўра расмийлаштирилади ҳамда ҳисоби юритилади.

33. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 84-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси дастлабки синов шарти билан тузилиши мумкин. Дастлабки синов муддати уч ойдан ошиб кетиши мумкин эмас. Меҳнат қонунчилигига назарда тутилган айрим тоифадаги шахсларга (ҳомиладор, уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар, битиувчилар ва х.к.) дастлабки синов белгиланмайди.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда Вазир меҳнат шартномасини синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилиши мумкин.

34. Қуйидаги шахслар Вазирлик тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга ишга қабул қилинмайди:

ишлаб турган ходим билан яқин қариндош ёки қуда-андада бўлса (отаоналар, ака-укалар, опа-сингиллар, фарзандлар, эр-хотинлар, шунингдек эр хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари), улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қилишни тақозо қилса;

ишга кириш учун соxта хужжатлар ёки била туриб ёлғон маълумотлар тақдим этган бўлса;

қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳолатлар.

35. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 97-моддасига мувофиқ меҳнат шартномаси қуйидаги сабабларга кўра бекор килиниши мумкин:

- а) тарафларнинг келишувига кўра;
- б) тарафлардан бирининг ташаббуси билан;
- в) муддатнинг тугаши билан;

- г) тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра;
- д) меҳнат шартномасида назарда тутилган асосларга кўра.

## **VII. Ходимларни бошқа доимий ишга ўтказиш (ротация қилиш)**

36. Ротация ходимни бўш лавозимга ўтказиш ёки бошқарувни мақбуллаштириш мақсадида ходимларни бошқа лавозимларга ўтказишида амалга оширилади.

37. Ротация ходимнинг салоҳиятидан унумли фойдаланиш, коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик ҳамда манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, ходимнинг малакаси ва бошқарув тажрибасини ошириш, ходимнинг рағбатини ошириш, бўш лавозимни тўлдириш мақсадида ўтказилиши мумкин.

38. Комиссия томонидан зарурат бўлганда муайян ходимларни ротация қилиш лозимлиги бўйича раҳбариятга таклиф киритилади. Раҳбарият томонидан таклифлар кўриб чиқилиб, ходим ўтказилаётган лавозимнинг малака талабларига мос бўлганида ходимнинг ёзма розилиги асосида амалга оширилади.

39. Ротация (доимий бошқа ишга ўтказиш) Вазирнинг буйруги билан расмийлаштирилади. Буйрук чиқариш учун ходим билан тузилган меҳнат шартномасига киритилган ўзгаришлар асос бўлади.

40. Ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгаришишга факат меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, башарти бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳоллардагина ҳақлидир.

## **VIII. Ходимлар фаолиятини баҳолаш, рағбатлантириш ва интизомий жавобгарлик**

41. Ходимларнинг ишдаги фаолиятига баҳо берилади ва ютуклар учун ходимга нисбатан рағбатлантириш ҳамда йўл қўйган камчиликлари учун интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

42. Хизмат вазифаларини тўлиқ ва ўз вақтида бажариб келаётган мустақил бўлинмалар раҳбарларига ойлик устамалар тегишли вазир ўринбосарлари, ходимларга эса бўлинмалар раҳбарлари тақдимномасига кўра “Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим маошига ойлик устамалар белгилаш, мукофотлар ва моддий ёрдам бериш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш комиссияси” таклифига асосан Вазир буйруғига мувофиқ белгиланади.

Шунингдек, ташкилотлар ва ҳудудий бошқармалар, олий таълим муассасалари раҳбар ходимларига ойлик устамалар бериш ҳақидаги уларнинг мурожаатлари ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади ва белгиланади.

43. Рағбатлантириш турлари, уларни қўлланиш тартиби жамоа шартномаси, “Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим маошига ойлик устамалар белгилаш, мукофотлар ва моддий ёрдам бериш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш харажатларини тўлаш тартиби тўғрисидаги низом” ва бошқа ички ҳужжатларда белгилаб қўйилади.

44. Ходимлар меҳнат соҳасида давлат ва жамият олдида алоҳида хизматлари учун давлат мукофотларига тавсия этилиши мумкин.

45. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун Вазир қуидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

а) ҳайфсан;

б) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима, ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин;

в) меҳнат шартномасини бекор қилиш.

46. Интизомий жазо қўлланилишидан аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножӯя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

47. Одоб-ахлоқ қоидалари, коррупцияга қарши сиёsat ёки комплаенс назорат тизими талабларини бузган ходимларга нисбатан белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.

### **VIII. Якуний қоидалар**

48. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш Вазирнинг буйруғи билан амалга оширилади.

49. Ушбу Низомда назарда тутилмаган муносабатлар меҳнат қонунчилиги ва бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

50. Ушбу Низом талабларига риоя қилмаган шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.



Вазирликнинг 2020 йил «26» 10 даги  
61-сонли буйруғига 2-илова

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага  
кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича  
комиссия таркиби**

- |                   |   |
|-------------------|---|
| 1. И.Маджидов     | - Олий ва ўрта махсус таълим вазири,<br>Комиссия раиси  |
| 2. Ў.Саломов      | - Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг<br>биринчи ўринбосари, Комиссия раиси<br>ўринбосари     |
| 3. У.Бегимкулов   | - Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг фан ва<br>инновациялар бўйича ўринбосари                |
| 4. М.Холмухамедов | - Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг касб-<br>хунар таълими бўйича ўринбосари                |
| 5. С.Бузрукхонов  | - Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг<br>иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари                |
| 6. Ю.Абсоатов     | - Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг<br>ахборот технологиялари ва ёшлар бўйича<br>ўринбосари |
| 7. Б.Қодиров      | - Ташкилий-кадрлар бошқармаси бошлиғи,<br>Комиссия котиби                                       |

**Изоҳ:** Комиссия аъзоси бошқа лавозимга ўтганда, унинг ўрнига  
тайинланган шахс бевосита Комиссия аъзоси ҳисобланади.

Зарур холларда Комиссия таркибига бўлинмалар раҳбарлари ёки бошқа  
мутахассислар кўшимча равишда жалб қилиниши мумкин.



Вазирликнинг 2020 йил «26» 10 даги  
561 -сонли буйруғига 3-илова

## Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссиянинг иш регламенти

### I. Умумий қоидалар

1. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги (кейинги ўринларда «Вазирлик» деб аталади) тизимидағи номенклатурага кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича комиссия (кейинги ўринларда «Комиссия» деб аталади) Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг буйруғи билан ташкил этилади.

2. Комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Регламент, Вазирлик буйруқларига ва Ҳайъати қарорларига, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қиласди.

3. Комиссия Вазирлик марказий аппарати ва тизимдаги номенклатурага кирувчи вакант лавозимларга тавсия этилган номзодларни кўриб чиқади ва хulosалар беради.

### II. Комиссиянинг асосий вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш

4. Куйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Вазирлик марказий аппарати ва тизимида мавжуд вакант лавозимларга тавсия этилган номзодларни белгиланган тартибда текшириш, уларнинг ҳужжатларини ўрганиш;

вакант лавозимларга тавсия этилган номзодлар билан сұхбатлар ўтказиш, номзоднинг тавсия этилаётган лавозимда ишлашга тайёргарлиги, билими ва малакаси, касбий лаёқати ва қобилиятини аниқлаш;

номзодларни тегишли лавозимларга тавсия этиш ёки этмаслик бўйича хulosалар қабул қилиш, зарур ҳолларда номзодлар ҳакида қўшимча маълумотлар олиш, уларнинг билими ва малакасидан келиб чиқиб, бошқа лавозимларга тавсия этиш;

раҳбар лавозимлар бўйича шакллантирилган захира кадрлар таркибини кўриб чиқиши, зарур ҳолларда таклифлар тайёрлаш.

5. Вазирликнинг Ташкилий-кадрлар бошқармаси Комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

6. Ташкилий-кадрлар бошқармаси томонидан вакант лавозимлар учун номзодлар рўйхати ҳамда маълумотнома-объективкаси тайёрланади ва Комиссияга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

7. Комиссия йиғилиши аъзоларининг камидаги учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

8. Комиссия томонидан номзодлар билан сұхбат жараёни савол-жавоблар асосида шаффоф, очиклик ва ошкоралик принципи асосида (зарур ҳолларда масофавий шаклда) ўтказилади ва баён (1-иловадаги намунавий шакл) билан расмийлаштирилади. Зарур ҳолларда сұхбат жараёни видеотасмага ёзиб олиниши ёки интернет тармоғи орқали онлайн трансляция қилиши мумкин.

9. Сұхбат давомида номзодларнинг билим, малака ва кўникмалари, фикрини баён этиши, соҳага доир норматив-хукукий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини, муаммоларни билиш даражаси, таклиф этилаётган лавозим вазифаларини бажара олиш қобилияти каби жиҳатларига аҳамият берилади ҳамда сұхбат натижалари мезонлар (2-илова) асосида баҳоланади ва тегишли хulosалар қабул қилинади ҳамда тавсия этилади.

10. Комиссия сұхбат натижасига кўра номзодни кўриб чиқилган вакант лавозимдан бошқа бир вакант лавозимга малака талабларига мувофиқ тавсия қилиш хукуқига эга.

### **III. Якуний қоидалар**

11. Мазкур Регламентга Вазир буйруғи ёки Комиссиянинг баёни билан тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

12. Регламентда назарда тутилмаган муносабатлар бошқа норматив-хукукий хужжатлар билан тартибга солинади.

13. Ушбу Регламент талабларига риоя қилмаган шахсларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган тартибда жазо чоралари қўлланилади.

Комиссиянинг иш регламентига  
1-илова

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Комиссия раиси

Ф.И.Ш.  
«\_\_\_» 20\_\_ йил

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимидағи номенклатурага  
кирувчи лавозимларга кадрларни танлаш бўйича  
комиссия баёни № \_\_\_

Тошкент шаҳри

«\_\_\_» 20\_\_ йил

Раислик қилувчи:

Ф.И.Ш. Комиссия раиси

Қатнашдилар:

Комиссия аъзолари:

**КУН ТАРТИБИ:**

\_\_\_\_\_ лавозимларига тавсия этилган номзодларни  
кўриб чиқиш ва сухбат ўтказиш тўғрисида

Комиссия \_\_\_\_\_ лавозимларига тавсия этилган  
номзодларнинг хужжатларини кўриб чиқди ва улар билан сухбат ўтказиб,  
куйидаги хуносаларни қабул қилди:

\_\_\_\_\_ лавозимиға номзодлар

1.	Ф.И.Ш.	Тавсия этилди
2.	Ф.И.Ш.	Тавсия этилмади
3.	Ф.И.Ш.	Тавсия этилмади

Комиссия аъзолари:

Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

Ф.И.Ш.

Комиссия котиби:

Ф.И.Ш.

**Номзодни баҳолаш мезонлари**

**Номзоднинг Ф.И.Ш.,**

Т/Р	Кўрсаткичлар	Баллар			
		1	2	3	4
1.	Ташки кўриниши Суббат давомида ўзини тутиши	Нолойик Хаяжонланади	Ахамият бермайди Ўзини нокулай хис килади	Тоза кийинади Ўзини эркин хис килади	Ахамият беради Хушёр
2.	Ўз фикрларини равон баён этиши	Фикрлари ноаник, ўйламасдан гапиради	Фикрларини тушунарсиз баён этади	Фикрларини аник баён этади	Фикрларини мантикан баён этади
3.	Характери	Пассив, консерватив	Янги гояларга хайриҳоҳ эмас	Баъзан янги гояларни куллаб-кувватлайди	Янги гояларга (гояларга) яхши муносабагда
4.	Билими	Билими етарли эмас	Билимдида муаммолар бор	Профессионал билим билимга эга	Профессионал билим даражаси юкори
5.	Малакаси	Умуман малакага эга эмас	Амалий билими ва малакаси етарли эмас	Амалий билими ва малакаси юкори эмас	Етарли амалий билим ва малакага эга
6.	Соҳасидаги муаммоларни хал килиш қобилияти	Касбига хос муаммоларни мутлако билмайди	Касбига хос муаммоларни аник тасаввур килмайди	Касби билан боғлик муаммолар хакида тасаввурга эга	Касби билан боғлик муаммоларга яхши ахамият беради
7.	Норматив-хукукий хужжатларни	Норматив-хукукий хужжатлардан мутлако бехабар	Норматив-хукукий хужжатлар хакида етарлича хабардор эмас	Норматив-хукукий хужжатлардан етарли даражада хабардор	Норматив-хукукий хужжатлар билан моҳирона ишлай олади
8.	Жами:				
<b>Якуний балл: (8-40)</b>					

Номзод билан сұхбат ўтказған шахс (лар)нинг лавозими, Ф.И.Ш., имзоzi: